

Расууллоҳнинг ғайзли уйлари



07:03 / 03.09.2018 8521

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қўллари ила, саҳобалар билан бирга тия чўккан жойда масжидларини бино этиб, муборак уйларини қура бошладилар. Оналаримиз ер юзидағи энг улуғ зот билан бирга оила қуриб яшаётганларини жуда яхши билишарди. Уларнинг уйларида инсониятга қиёматгача икки дунё саодатини кўрсатиб берувчи илоҳий дастур-Қуръони Каримнинг оятлари нозил бўлиб турар эди. Улар яшаб турган уй оддий уй эмас, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари жорий этилиб, ҳадислари сўзланиб турадиган файзли уй эди. Аллоҳ таало айтади:

“Ва уйларингизда тиловат қилинаётган Аллоҳнинг оятларини ва ҳикматини эсланг” (Аҳзоб сураси 34-оят.)

Оналаримиз учун қурилган биринчи уй Оиша розияллоҳу анҳонинг уйлари эди. У кичик бўлишига қарамай Аллоҳ таалонинг қиёматгача мўъжизаси бўлиб қоладиган самовий китоби - Қуръони Каримнинг кўп оятлари тушадиган муқаддас маконга айланди. Шу кичик уйда Пайғамбар соллоллоҳу васалламнинг сон-саноқсиз ҳадиси шарифлари ворид бўлди. Шу кичик уй кўплаб саҳобаларни Ислом таълимотидан баҳраманд этди. Бу уй масжиднинг шарқий томонида бўлиб, эшиги “Равза” томонига қараб очилар эди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикоф турганларида Оиша розияллоҳу анҳо турган уйга бошларини узатиб ювдирар эдилар. Ҳатто Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор

бўлганларида ҳам шу уйни танладилар. Оиша розияллоҳу анҳо “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимда ва бағримда оламдан ўтганлар”, деб айтар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оламдан ўтганларида саҳобалар ҳайратга тушиб қолдиар. Умар розияллоҳу анҳу эшик олдида туриб, ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни оламдан ўтди деса, уни жазолайман деб турганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу уйга кириб, ўз кийимларида ётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, юзларини очиб, пешоналаридан ўпиб, ота-онам сизга фидо бўлсин эй Аллоҳнинг расули ўлим сизга ҳам ёзилган экан деб чиқдилар ва эшик олдида туриб “ким Мұхаммадга ибодат қилиб келган бўлса, Мұхаммад оламдан ўтдилар. Ким Аллоҳга ибодат қилиб келаётган бўлса, Аллоҳ тирик ўлмайди”, дедилар. Сўнг ушбу оятни тиловат қилдилар.

“ Мұхаммад пайғамбардир, холос. Үндан олдин ҳам пайғамбарлар ўтган. Мабодо, у ўлса ёки ўлдирилса, ортингизни (куфрға) қайтиб кетасизми?! Ортига қайтгани билан ҳеч ким Аллоҳга сира зарар етқаза олмас. Аллоҳ шукр қилувчиларни, албатта, мукофотлайди”. (Оли Имрон 144-оят.)

Умар розияллоҳу анҳу оятни эшитгач, буни эшитмаган эканман дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни дағн этиш масаласи бўлди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳар бир пайғамбар ўз уйида дағн этилиши ҳадисни эшитганларини айтдилар ва уйларида дағн этишга келишдилар. Оиша розияллоҳу анҳо ўша уйда яшай бошладилар ва орада бирор тўсиқ йўқ эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу оламдан ўтганларида истакларига мувофиқ бошлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг елкалари баробарига қўйилди. Ораларида бирор тўсиқ қўйилмай Оиша розияллоҳу анҳо “Бу киши менинг эрим ва булари менинг отам” дер эдилар. Умар розияллоҳу анҳу ўлим ёқасида ётганларида икки соҳиблари олдида дағн этилишларини ўғиллари Абдуллоҳ орқали изн сўрадилар. Оиша розияллоҳу анҳонинг изнлари билан Умар розияллоҳу анҳу оламдан ўтганларида Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг елкалари баробаридан дағн этилдилар. Шундан сўнг Оиша розияллоҳу анҳо қабр орасига тўсиқ қўйдилар. Уламоларни айтишларича ўша муборак уйда яна бир бўш жой бўлиб, унда Исо алайҳис салом дағн этилар эканлар. Имом Термизий сунанларида Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан: “Тавротда Исо алайҳиссалом Пайғамбаримиз Мұхаммад соллалоҳу алайҳи васаллам билан дағн этилишлари ёзилган”, деб айтадилар.

У нақадар файзли ва шарафли уй эканки, ўз бағрида улут зот бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анхўмоларни олган экан. Муъмин-мусулмонлар Мадинаи Мунавварадаги Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу васалламнинг муборак масжидларини зиёрат этар эканлар, улар учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бериш баҳт ва саодатдир. Ҳадиси шарифда у зот: “Бирор киши менга салом берса, албатта, Аллоҳ менинг руҳимни қайтариб беради ва мен ўша одамнинг саломига алик оламан”, деганлар.

Жобир Элов тайёрлади